

Сайилгоҳга сайр

“Ирригация ва мелиорация” кафедраси томонидан ташкил қилинган ҚХГМ фанидан Республика фан олимпиадасининг 2-тур босқичи бўлиб ўтди. Талабаларнинг дам олишини мароқли ўтказиш мақсадида шаҳримизда яқинда барпо этилган “АШХОБОД” сайилгоҳига ташриф ташкил этилди.

Ташриф давомида олимпиада иштирокчилари Ўзбекистон ва Туркменистоннинг миллий анъанавий мероси акс этган ёдгорликларни кўришга мушарраф бўлишди. Ташриф таассуротларга бой бўлди.



“Ирригация ва мелиорация” кафедраси мудирини Боймурод Сувонов ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов.